XALQ DEPUTATLARI SHOFIRKON TUMANI KENGASHI

QARORI

Shofirkon tumani, Mustaqillik ko‘chasi, 4-uy. Tel: (365) 502-20-04

2023 - yil 6 - aprel VI-76-42-2-41-K/23 Shofirkon tuman hokimligi

Шофиркон тумани маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли моддаларига асосан Халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Туман ҳокимининг туман маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағлардан иқтисод қилинганлар ва маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратиладиган маблағлар иловага мувофиқ йўналтириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман ҳокимининг тегишли ўринбосари, туман Иқтисодиёт ва молия бўлими (Н.Наимов) билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикасининг “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси талаблари асосида туман маҳаллий бюджетининг тасдиқланган параметрларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришларни киритиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик хизмати (Д.Жабборов) ажратиладиган маблағларни белгиланган тартибда “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида мақсадли ишлатилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

5. Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Sessiya raisi **A.A.Obidov**

Xalq deputatlari Shofirkon tuman
Kengashining
2023 yil 6 apreldagi
VI-76-42-2-41-K/23-son qaroriga
1-ilova

Шофиркон тумани маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтирилгандан иқтисод қилинган маблағлар

минг.сўмда

№	Тадбирлар номи	Маблағ олувчи ташкилот номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1.	Принтер сотиб олиш харажатлари (6 та)	Туман ҳокимлиги	21 000,0
2.	Туман хокимлигини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш мақсадида генератор харид қилиш харажатлари	Туман ҳокимлиги	130 000,0
3.	Яшил майдон (Канада грин) харажатлари	Ободонлаштириш бошқармаси	25 000,0
4.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга Қуёш панеллари сотиб олиб ўрнатиш харажатлари	Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими, Ободонлаштириш бошқармаси	38 000,0
5.	Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими биносини мебел жихозлари билан таъминлаш харажатлари	Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими	208 000,0
	Жами	**xxx**	**422 000,0**

Шофиркон тумани маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари

ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар

минг.сўмда

№	Тадбирлар номи	Маблағ олувчи ташкилот номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори
1.	Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўқиш учун контракт тўлови харажатлари	Туман Маданият бўлими	10 000,0
2.	Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар харажатлари	Туман Маданият бўлими	36 000,0
3.	Хизмат автомашинани таъмирлаш харажатлари	Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими	15 000,0
4.	Телевизор сотиб олиш харажатлари	Туман Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими	6 000,0
5.	Туман ҳокимлиги ходимларини Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан мукофотлаш харажатлари	Туман ҳокимлиги	17 500,0
	Жами	**ххх**	**84 500,0**